

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 70 (4317).

9

АПРЕЛЬ

ПАЙШАНБА

• 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

„ТАШСЕЛЬМАШ“ ЗАВОДИГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

«Ташсельмаш» заводи Ленин юбилейи Фахрий ёрлиги билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар янги тизилишда заводнинг барча цехларига тарқалди. Ана шу корхона меҳнаткашларининг кўпчилиги 8 апрелда ишга одатдагидан бир мунча барвақт келишди. Уларнинг деярли ҳар бирининг қўлида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида юксак кўрсаткичларга эришган мамлакатимиздаги энг яхши коллективларини мукофотлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинган газета бор эди.

Кундуз кўни заводнинг механика йиғув цехида ана шу шонли воқеага бағишланган кўп миң кишилик митинг бўлди. КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилди. Ш. Р. Рашидов митингга тўпланганларнинг гулдўрос қарсақлари остида завод вақилларига Ленин юбилейи Фахрий ёрлигини топширди ва машинасозларнинг бутун коллективини юксак мукофот билан самимий таъбирлади.

Эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш топшириги ҳам ортиги билан бажарилади. Завод новаторлари — рационализаторлари билан ихтирочилари беш йилликка олган ўз мажбуриятларини муддатдан илгари бажардилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг резервлардан фойдаланишни яхшилаш ва иқтисодий тезашни кузатиш тўғрисидаги Хатини муҳокама этиб, завод коллективи уни тўла-тўқис маъқулади. Машинасозлар ана шу мактубга миллион сўм тежаймиз, деб жавоб бердилар.

— Бизга бутун топширилган мукофот, — деди ўз нутқида саркар, коммунистик меҳнат зарбидори Б. М. Идрисхўжаев, — жаҳон пролетариатининг дохисини ва устозин В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигидек узул саҳнадаги асқалик сифатида биз учун айниқса қимматлидир. Меҳнатимизнинг бундай юксак тақдирланганига жавобан корхона коллективини коммунистик меҳнат учун мусобақани янада кенг авж олдириб юборишга ва олдиндаги қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга эришишга чакирмади.

Митингга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС номига таъбир мактуби ақдйлик билан қабул қилинди.

Шу кўни заводда ишлаб чиқариш илгорларининг катта гуңпариси «Шавкатли меҳнат учун», Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини нишонлаш медаллари билан таъбирлади. Бу мукофотларни машинасозларга КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ш. Р. Рашидов топширди. (ЎТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА


КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига жанговар ва сийсий таъйёрларинда энг юксак кўрсаткичларга эришган СССР Қурулди Кўчларининг ҳарбий қўшилмалари, қисмлари, кемалари, ҳарбий ўқув юртлири ва ҳарбий муассасаларини Ленин юбилейи Фахрий ёрликлари билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун таъйёрларинда ўрнатилган ҳарбий коллективларини самимий қўтладилар ҳамда Ватанимизнинг муқоффа кудратини мустаҳкамлаш ишга қўнган ҳиссалари учун СССР Қурулди Кўчларининг барча жангчиларига чуқур мият натдорчилик изҳор қилдилар солдат ва матрослар, сержант ва старшиналар, офицерлар, генераллар ва адмираллар коммунистик Ватанин ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ленин васиятларини амалга ошира бориб, бундан буён ҳам Совет давлатининг муқоффа қўбиллатини мустаҳкамлаб борадилар, ҳарбий ва сийсий биядмларини тинмай тақомиллаштириб, қўшилларнинг жанговар таъйёрларини ошириб борадилар, деб қаттиқ нишон билдирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Маркс билан Энгельс революцион таълимотини геннал давом эттирувчи, Совет Иттифоди Коммунистик партиясининг таъкилотчиси, Улуғ коммунистик революция раҳбари ва жаҳонда биринчи коммунистик давлатнинг асосчиси, халқаро ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан 1970 йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида, Санъат саройида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. (ЎТАГ).

УСТА САБЗАВОТКОР АБДУРАХИМ ШЕРМАТОВ БРИГАДАСИ ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ЁЯЙЛИК



Суратларда: 1. Бригада бошлиғи Абдурахим Шерматов. 2. Тажрибали механизатор, эвено бошлиғи Шермат Нурматов эртаги карамин култивация қилмоқда. 3. Пленкалар остидаги бодринг лайкали.

САБЗАВОТНИ ЭРТА ЕТИШТИРИШ — ФАҚАТ ФОЙДА

Шаҳар меҳнаткашларини картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан йил бўйи мўл-кўл таъминлаш биз сабзавоткорлар зиммасига юклатилган. Бу масъулиятни ва шарафни вазифани тўла ҳис қилган ҳолда ишлайётган бригадамиз аъзолари ҳар йили ҳам ўз мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Сабзавотни йил ўн икки ой етиштирмай туриб мақсадга эришиб бўлмайди. Ёз фаслида ва куз фаслида тўқин-сочилик бўлгани билан қиш ва баҳорда бу маҳсулотлар қамайиб кетса биз ўз вазифамизни тўла бажарайтган деб ҳис қилолмаймиз. Шунинг учун эртаги экинларини барвақт етиштириш тадбирларини қўришимиз, меҳнаткашлар талаб қилган миқдорда маҳсулот етказиб бериш учун курашимиз керак. Бу катта вазифа лйида бўлиб ўтган илгор сабзавоткорларнинг олабта кенгашинда ҳам алоҳида таъкидланди.

Партия ва ҳукуматимиз биз сабзавоткорларга ҳаминша гамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу йилги ҳосилдан бошлаб биз етиштирадиган маҳсулотлар қарид нархининг оширилиши бизни янада фидокорона меҳнат қилишга, ҳосилдорликни оширишга, йил сайин ўсиб бораётган аҳоли сонининг миқдорига қараб уларни таъминлайдиган даражада маҳсулот етиштиришга даъват этади. Биз шу йўлда астойдил курашамиз ва йўл-аллақан мақсадга эришиш учун ҳаракат қиламиз.

Экинларини пленка остида етиштиришга ҳам даъват қилинган бўлган. Шу билан бирга қатор ораларига ишлов беришда техникадан кўпроқ фойдаландик. Бу тезда ўз натижасини кўрсатди. Ҳар гектар ердан олтинадиган ҳосилни қўлайтириш билан бирга сабзавот экинлари ҳосилининг эрта етилиб

пишишини таъминлади. Сабзавот қанчалик барвақт етиштирилиб, давлатга сотилса, унинг баҳоси шунча ошади. Бунинг бригадамиз мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Бригадамиз беш йил ичида 3982 тонна сабзавот етиштириш керак эди. Амалда биз бу топшириқни тўрт йил ичида муваффақиятли бажардик. Бунинг эвазига беш йилда 372 сўм даромад қилишимиз лозим эди. Амалда эса 4 йилнинг ўзида 492,5 минг сўмлик маҳсулот етиштириб бердик. Бу пландаги нисбатан 120 минг 500 сўм кўп, демакдир. Маҳсулотни эрта қўламда бозорга чиқаришимиз сабабли ана шу ютуқни қўлга киритдик.

Узоққа бормайлик: 1969 йилнинг якулири билан тани-

ринг етиштириб берганлигимиз сабабли даромадимиз ортиди. 8300 ўринга 40390 сўмлик маҳсулот етиштирдик. Ҳар гектар ерда етиштирилган бодринг ҳисобига 10 минг 567 сўм фойда олдин.

Бир йил ичида 786 тонна ёки 80264 сўмлик маҳсулот етиштириб бериш зиммаларига юклатилган эди. Амалда эса 1009 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Ундан келган даромад 152 минг 561 сўмин ташкил этди. Бизда экинларнинг барча турлари бўйича берилган топшириқ ортиги билан бажарилди. Картошқадан ҳам баракали ҳосил олдик. Бир гектар картошка маҳсулоти 1454 сўмга сотилиши убаига, эрта етиштирилиши сабабли, 2550 сўмга сотилди. Пленкалар остида ўстирилиб етиштирил-

нинг ойлигим 97 сўм. Ҳамма олган мукофотларини ҳисоблаб кўрсан, ўртача иш ҳақини 210 сўмга тўғри келмоқда. Олдин ишчиларнинг иш ҳақлари ҳам чакки эмас. Ўртача 131 сўмданга тўғри келмоқда.

Бригадамиз эришилган ютуқларини мустаҳкамламоқда. Бу йил биз 968 тонна маҳсулот етиштириб беришимиз керак. Ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, оширилган коммунистик мажбурият қабул қилдик. 1100 тонна сабзавот етиштириб бериш учун курашамиз. Тўғри, ўтган йиллардаги нисбатан экин майдонини анча кам. Шунга қарамай, зиммадаги мажбуриятни албатта бажарамиз. Эртаги 10 гектар қарам 2 марта парваршидан чиқарилади. Коллективимиз дохйи В. И. Ленин туғилган кўнунга бир неча тонна қарам, эртаиндин эса редис ва бошқа сабзавот маҳсулотларини жунатишди.

Биз бу йил даромадимизнинг 60—65 процентини пленка остида етиштирилган сабзавот ҳисобига оламиз.

Шунинг алоҳида қайд қилиш керакин, Шермат Нурматов, Ваҳобжон Султонов каби ишчан механизаторлар, Фотима Юсупова, Забиха Бойматова, Жамила Эрматовга ўхшаш серғайрат ишчиларимиз қаторида пенсияга чиққан Тожикбой ота Йўлдошев, Ёқуббой ота Орипов, Аҳмаджон ота Юсуповлар ҳам фидокорона ишлайпти. Шу сабабли ҳар гектар ердан бир йилда икки мартадан ҳосил етиштирилмоқда.

Ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлайётган сабзавоткорларимиз шаҳарлик биродарларимизни қишин-ёзн сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан таъминлашга ўларнинг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Абдурахим ШЕРМАТОВ, Қалинчи районидagi «Қорасув» совхозининг бригада бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА (ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон қасаба союзулари совети В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига республикада ўтказилаётган коммунистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришган 400 корхона, таъкилот, совхоз ва колхозларини Ленин юбилейи Фахрий ёрлиги билан мукофотладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон қасаба союзулари совети Ленин юбилейи Фахрий ёрликлари билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорда Владимир Ильич Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун бошланган республика коммунистик мусобақаси қилиб қилини.

Ватанимизнинг раънақи йўлида фидокорона меҳнат қилган меҳнаткашларга чуқур миннатдорчилик билдирдилар ҳамда Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлар Ленин кўрсатмаларини амалга ошириб, халқ қўлайлигини янада ривожлантириш, иқтисодий ишлаб чиқариш самардорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун иқтисод ва тежамкорлик учун эр куч-гайрат билан курашадилар, деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон қасаба союзулари совети бутун республика меҳнаткашларини юбилей йили бўлган 1970 йилни давлат планлари ва коммунистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажариш, КПСС XXIII съезди қарорларини амалга оширишда, мамлакатимизда коммунизм қуришда янги муваффақиятлар билан нишонлашга чакирадилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ- НИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулев «В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллиги шарафига қабул қилинган коммунистик мажбуриятларини бажарилиши ҳақида» доклад қилди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда ташинили масала ҳам қўриб чиқилди. Ўртоқ М. А. Толипов бошқа ишга ўтганлиги муносибати билан пленум узи Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Пленум К. П. Дудининг Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленум ишда Ўзбекистон КП Тошкент области комитетининг биринчи секретари М. М. Мухомедов ва обкомнинг иккинчи секретари Б. М. Истомин ўртоқлар қатнашдилар.

